

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
NEMIS FILOLOGIYASI KAFEDRASI**

**FONETIKA VA FONOLOGIYA FANLARINING TARG‘IBOTCHISI,
FILOLOGIYA FANLARI NOMZODI, PROFESSOR
ZIYOVUDDIN TOSHOV
tavalludining 80 yilligiga bag‘ishlangan**

**“HOZIRGI GLOBALLASHUV DAVRIDA
FONETIKA VA FONOLOGIYANING
DOLZARB MUAMMOLARI”**

mavzusidagi xalqaro ilmiy anjuman

20-oktyabr 2023-yil

Buxoro – 2023

Hozirgi globallashuv davrida fonetika va fonologiyaning dolzarb muammolari [Матн] D.H.Karimova - Buxoro: "Sadridin Salim Buxoriy" Durdoni, 2023. - 328 b.

Mazkur to'plamda Buxoro davlat universiteti professori, filologiya fanlari nomzodi Toshov Ziyovuddin Badridinovichning 80 yillik hayoti va 57 yillik ilmiy faoliyati hamda 100 dan ortiq mamlakatimiz va xorijiy filolog-olimlari, olimning hamkasblari, shogirdlari, do'stlari va qarindoshlari tomonidan bildirgan fikr-mulohazalari va dil izhorlari bayon qilingan.

To'plam pedagogik va ilm-fan xodimlari, yosh ilmiy izlanuvchilar va boshqa kitobxonlar uchun mo'ljallangan.

Mas'ul muharrir:

Professor S.S.Saidov

To'plovchi va nashrga tayyorlovchilar:

f.f.f.d. (PhD) D.H. Karimova

f.f.f.d. (PhD) M.M. Maxmudova

Taqrizchilar:

f.f.d. (DSC), dotsent Z.I.Rasulov

f.f.d. (DSc), professor D.H.Quvvatova

f.f.f.d. (PhD), dotsent Y.B. Ro'ziyev

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ!

Расулов Зубайдулло Изомович

**БухДУ, Инглиз тилшунослиги кафедраси мудири, филология
фанлари доктори (DSc), доцент**



Ғам кўрмай, бу дунё тургунча туринг,
Минг йиллик меҳнатлар ҳузурин кўринг,
Шогирдлар бахтидан шод, масрур юринг,
Эзгулик йўлида толманг, устозим!

Устозлик олий рутба ва юқори мақомга эга. Унга эришиш учун эринмай меҳнат қилиш ва тер тўкиб ишлашга тўғри келади. Устозлик мақомига эришиш мислсиз меҳнат, тинимсиз изланиш, билим жавоҳирларини йиғиб, уни шогирдларга улашишни талаб этади.

Ёшларга таълим тарбия бериш учун устоз чуқур билим ва тажрибага эга бўлиш билан бир қаторда шогирдларнинг илм олишга бўлган интилишлари, орзу истаклари ва уларнинг кечинмаларини ҳам қалбан ҳис эта олиши лозим. Бундай ноёб фазилат эса ҳамма устозларга ҳам берилавермайди. Ана шундай хислатларга эга, тўртта, яъни ўзбек, тожик, рус ва немис тилларини мукамал ўзлаштирган, теран илмий салоҳият соҳиби, тилшунос олим, немис тили фонетикаси мутахассиси, филология фанлари номзоди, доцент Тошов Зиёвуддин Бадриддиновичнинг ҳаёт йўллари, шахсий ҳаётлари ва илмий педагогик фаолиятлари ҳақида сўзлар эканман, устозимнинг барча соҳаларда ибрат тимсоли ҳамда ёш авлод учун йўлчи юлдуз эканликларини фахрланиб айтгим келади.

Устозни мен 1994 йилдан таний бошладим. Айнан шу йилда Туркиядан эндигина ўқишдан қайтиб келиб Бухоро давлат университетида таҳсилни давом эттирдим. Чет элдаги олий таълим жараёнлари билан танишган ва у ердаги профессор-ўқитувчилар билан бу ердаги устозларни солиштирадиган даражада тажрибага эга эдим. Шу даврда устозлар орасида ўз билими ва педагогик маҳорати билан менинг хотирамда чуқур из қолдирган домламиз – Зиёвуддин Бадриддинович бўлдилар. Устоз бизга Умумий тилшунослик фанидан дарс берардилар. У кишининг ҳар бир дарсида ўзига хос услубларда янги билимлар олардик. Устозга ҳурматимиз ўша вақтлардаги муҳит билан шаклланган бўлса ажаб эмас. 1998 йилда ўқишни битириб, Инглиз тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи сифатида иш фаолиятимни бошладим. Ўша пайтларда Зиёвуддин Бадриддинович Бухоро давлат университети Ташқи алоқалар бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритарди. У киши табиатан дипломат. Зиёвуддин Бадриддинович Хорижий тиллар факультети декани бўлиб ишлаган пайтларда мен ўқув ишлари бўйича декан муовини лавозимида фаолият юритардим. Бугунги кунда университетимизнинг энг олди кафедраларидан бири Инглиз тилшунослиги кафедраси мудири сифатида муваффақият билан фаолият юритишимда фидойиликни, ҳалолликни, жонқуярликни, омилкорликни, олдинни кўра билиш каби малакаларни устознинг узоқ йиллар кафедра мудири, факультет декани лавозимларида ишлаган даврларидан ўзлаштирган бўлсам ажабмас.

Устоз шогирд танлашда уларнинг иқтидори, фанга фидойилигини асосий меъзон қилиб белгилайдилар. Табиатан хушфезл бўлсаларда шогирдларидан ижро интизомини қатъий талаб қиладиган, замонамизнинг илғор фикрловчи олими деб биламан мен уларни. Айни дамларда Зиёвуддин Бадриддинович Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиалининг тиллар кафедраси доценти сифатида кўплаб PhD диссертациялари, магистирлик диссертацияларига раҳбарлик қилмоқда.

Тилшунос олим Зиёвуддин Бадриддиновичнинг ўзбек, рус ва немис тилларда ёзган кўплаб илмий мақолалари нуфузли чет эл ва республикамиз журналларидан жой олган. Бундан ташқари устознинг кўплаб дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялари ёшларнинг

илми, маънавиятини шакллантириш, уларнинг комил инсон бўлиб етишиши учун хизмат қилиб келмоқда.

Зиёвуддин Бадриддинович умрини, ҳаётини илму фан сирларини ёш авлодга етказиш, уларни ҳар томонлама камол топтириш ва она Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаш ишига бағишлаб, тинмай меҳнат қилиб келмоқда. Устоз ёшларимиз учун ибрат сиймоси ва биз шогирдларнинг фахридир.

ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ ИНСОН

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич

**Урганч давлат университети, Хорижий тиллар факультети
декани, ф.ф.н., доцент**



Мен устоз Зиёвиддин ака Тошевни 1994 йилдан, талабалик давримдан, яъни қарийб 30 йилдан буён биламан. Зиёвиддин акани том маънода комилликка эришган ҳалол, тўғри сўз, меҳнатсевар, камтарин, ҳокисор инсон, кадрдон устоз, барча ҳавас қиладиган олим ва инсон десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди, деб ўйлайман.

Устоз Зиёвиддин Тошев нафақат ўзбек ёки немис тили ва адабиётини балки, инглиз, араб ва форс тиллари ҳамда адабиётини мукаммал биладиган, чуқур таҳлил қила оладиган, услубиётчи, тилшунос, тажрибали фонетист, маънавиятчи ва маърифатпавар қомусий филолог-олим. Унинг кўпгина давраларда, илмий-амалий анжуманлар ва ўқув семинарларида фаол иштирок қилганлигини бевосита ва билвосита биламан. Айниқса, Зиёвуддин ака билан 1995 йилда Урганчда немис адабиёти намуналарини кўргазмасига раҳбар бўлиб келган пайтларидан буён яқин алоқадаман. Ўшанда биз талабалар домла билан суҳбат кургандик. Хоразм тарихи ҳамда Бухорода ҳам хоразмча гапирадиган аҳоли вакиллари борлиги ҳақида баҳсли мунозарага киришиб, устознинг халқларнинг тарихи ва этнографияси ҳақида мукаммал билимга эга эканлигига гувоҳ бўлгандик.

Устоз дастлаб 1966 йилда Хоразм давлат педагогика институтида ўз фаолиятини бошлаганлар. 1968 йилдан ҳозирги кундача Бухоро давлат университети турли лавозимлар, шу жумладан, ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, ташқи алоқалар бўлими бошлиғи, ташқи алоқалар бўйича проректор, декан, кафедра профессори лавозимларида фаолият кўрсатди. У Урганчда нисбатан кам ишлаган бўлишларига қарамасдан Хоразмга, хоразмликларга нисбатан бошқача самимий ва иссиқ кўз билан қарайди. Мен буни домланинг Урганч давлат университетида бўлиб ўтган бир қанча республика илмий-амалий ва назарий анжуманларидаги иштироки, Давлат аттестацияси раиси сифатидаги ташрифларида ҳис қилганман. Ана шу жараёнда домла бир неча маротаба қишлоқдаги уйимизда меҳмон бўлганлар. Ҳар доим ўзаро устоз-шогирд, ота-ўғил каби дилдан яхши суҳбат курганмиз. Устоз менга ҳар доим кўрганда “ўғлим” деб мурожаат қиладиган бўлиб қолган. Устоз Зиёвуддин Тошев жуда оқибатли инсон. У ҳар доим мен билан учрашганда ёки телефон орқали суҳбатлашганда, нафақат ўзим ҳақимда балки, отам, онам, ака-сингилларим ва фарзандларимни номма ном ҳол-аҳволи, уларнинг фаолиятини сўрайди. Уларни исмларини ёддан билган ҳолда улар билан боғлиқ хотираларни эслаб кўярди. Меҳнат фаолиятини Урганч давлат педагогика институтида бошлаган.

Устоз З.Тошев ўз меҳнат фаолияти давомида талабаларга қатор назарий фанлардан, жумладан, “Умумий тилшунослик”, “Назарий фонетика”, “Мамлакатшунослик”, “Германия адабиёти тарихи” каби фанлардан маърузалар ўқиб келди ҳамда мазкур фанлардан чоп қилдирган ўқув адабиётлари ва дарсликларидан бизларни ҳам баҳраманд

Кани кўклам, кани гўзал ёр?
Кани гуллар, кани булбуллар?

Юкорида келтирилган икки тилдаги анафоралар такрор асосига курилган булиб, укувчи ва тингловчида турли эмоциялар уйғотувчи фоностилистик восита булиб хизмат килади.

Эпифора. Шеърий асарларда сўз ёки мисралар охирида ифодавийликни кучайтириш, таъсирчанликни ошириш максатида айрим унли ёки ундош товушларнинг такрорланиши эпифора дейилади. Бошқача айтганда, жумла охирида келган такрорлар эпифорадир.

Инглиз тилида:

When I go to the bank,
I get rattled,
The clerk rattle me,
The wickets rattle me.
The sight of money rattles me,
Everything rattles me (S.Leacock).

Ўзбек тилида:

Уйда, оилада, далада, кирда,
Оппок пахта битган серунум ерда.
Озод меҳнат зўр жадал билан
Инсонни кайтадан кўкартирганда.(Х.Олимжон).

Кузатишлар шуни кўрсатадики, шоирлар поэтик ижодида такрор анафора эпифора куп учрайдиган стилистик фигуралар булиб бадиий асар таъсирчанлигини оширишга хизмат килади ва фоностилистик вазифа бажаради

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуазизов А.А. Фоностилистик воситаларнинг ўрганилишига доир //Ўзбек тили ва адабиёти. - Т.: 1985. Ло2. -6.24-28.
2. Мамажонов А. Кўшма гап стилистикаси.-Т.:ФаН,1990.-88 б.
3. Хайдаров А.А. Коннотатив маънонинг фонетик воситаларда ифодаланиши. Филол.фан. НОМЗ. дисс... автореферати. - Т.: 2009.-21 б.
4. Хожиев А.П. Лингвистик терминларнинг изохли луғати. - Т.: Ўқитувчи. 1985.-144 б.

ПРИНЦИПЫ ЭКОНОМИИ ФОНАЦИОННОЙ ЭНЕРГИИ

Расулов Зубайдулло Изомович

Доктор филологических наук (DSc), доцент БухГУ

Саидов Хайрулло Шавкатович

Доктор философии по филологическим наукам, доцент БухГУ

В процессе эволюции языка наряду со словарным составом языка постоянно изменяется звуковая система языка: варьируется число звуков, появляется новшества в навыках звукопроизводных работ и т.д.

Так, примечательным для фонетической теории языковой эволюции Е.Д. Поливанова¹ (105, с.100-119) является то, что она основана на понимании языка как трудовой деятельности, целью которой является общение между членами коллектива, объединяемого по языку. В состав речевого процесса (или «речения») он включает такие акты как «фонация» и «слышание» (или «апперцепция»). Задача акта фонации сводится к тому, чтобы «создать акустический результат, достаточный для расслышания (и для узнавания слушателем) данного ряда символов, ассигнуя на это минимум рабочей

¹ Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. –М.: Наука, 1968. –С.100-119.

энергии»¹. При этом, разумеется, акт фонации должен сопровождаться достаточной силой и ясностью. Здесь же он уточняет, что экономию до минимума, являющейся «типичной чертой нашей фонетической деятельности» нельзя считать обязательным фактором всякого случая говорения, хотя она (экономия) – типичная черта любой рече-трудовой деятельности.

Под экономией фонационной энергии Е.Д. Поливанов² понимает экономию силы, сокращение отдельных артикуляций наряду с экономией времени, требуемого для фонации данного звукового комплекса. Вместе с тем он отмечает, что сокращение отдельных артикуляций наряду с экономией времени, требуемой на фонацию, не всегда может быть полезной экономией рече-трудовой деятельности: иногда быстрая речь говорящего может быть более трудной, нежели речь нормального (умеренного) темпа, и требовать более быстрых мыслительных операций.

Вообще же, звуковые изменения в языке Е.Д. Поливанов³ усматривает, прежде всего в изменениях, происходящих внутри одного звука языка и не влияющих на другие звуки, точнее – фонетическую систему языка. Общим принципом изменения этого рода, определяющим их направление, является принцип экономии, в частности «уменьшение трудностей звукопроизводных работ». Сюда он относит такие фонетические явления как спондизация (имеется в виду утрата смычного элемента у аффрикат), делабиализация встречающихся в некоторых языках передних лабиализованных гласных, смягчение согласных перед *i* и т.д.⁴.

Тенденцией к экономии произносительной энергии объясняет Е.Д. Поливанов⁵, случаи когда некоторые слова (например, *вода*, *топот* и т.д.) могут быть произнесены различно, т.е. громко или тихо, быстро или медленно, отчетливо или неряшливо, гнусаво или даже в нос, но тем не менее они будут поняты как то же самое слово с тем же самым значением.

В другой работе Е.Д. Поливанов пишет, что тенденция к сокращению произносительной (фонационной) энергии иногда осуществляется в максимальной степени: сюда он относит произношение часто встречающихся слов, значения которых легко понимаются и не могут быть смешаны с другими словами, например, *здравствуйтесь* → *здрасствуйтесь* → *здрассте* → *здрасст* → *здрас* → *драс* → *эссс* → *сс* или *государь* → *осударь* → *сударь* → *сда* → *ста* [в слове *пожалуйста*]; узб. *тақсир* → *тасир* → *тас*, а обычно – в минимальной степени: пропуск какого-либо звука в трудном звукосочетании, например, *солнце* → *сонце*, лат. *est* произносится во французском как *E*, *Augustus* «август» превратилось в один звук *и* (франц. *Août*) и т.д., замена труднопроизносимых звуков более легкими [сюда он относит известные случаи спондизации аффрикат: Ц→С, Ц→Ш и др.]⁶.

Результатом действия тенденции к «экономии фонационной энергии» Е.Д. Поливанов⁷ считает и глухое произношение звонких согласных перед глухими и в конце слова, т.е. позициях, благоприятных для оглушения: ср. *лоб* – *лоп*, *муж* – *муш*, *воз* – *вос*, *трубка* – *трупка*, *сказка* – *скаска*, и т.д.

Под термином «тенденция к экономии» Е.Д. Поливанов⁸ обычно подразумевает сокращение или облегчение произносительных усилий. Экономия фонационной энергией Е.Д. Поливанов⁹ наблюдает и в следующих процессах, содержащих эволюцию от сложного

¹ Там же. –С.118-119.

² 100. Поливанов Е.Д. Русский язык сегодняшнего дня // Литература, кн.4 [Институт языка и литературы]. –М.: Госиздат, 1928в. –С.167-180.

³ Поливанов Е.Д. Задачи социальной диалектологии русского языка // Родной язык и литература в трудовой школе. –М., 1928б. –№2. –С.39-49; –№4-5. –С. 68-76.

⁴ Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. –М.: Наука, 1968. –376 с.

⁵ Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. – Вып.1. – Введение. –Ташкент: Госиздат, 1935. – 48 с.

⁶ Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. –Ташкент: Госиздат, 1934. –182 с.

⁷ Там же. –С.122.

⁸ Поливанов Е.Д. Новая казак-киргизская (Байтурсуновская) орфография. Спорные вопросы киргизской графики и орфографии // Бюллетень Средне-Азиатского государственного университета. –Ташкент, 1924. –№7. –С.35-43.

⁹ Поливанов Е.Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. –Ташкент: Госиздат, 1934. –С.124.

к простому: слово из четырех или трех звуков превращается в слово из двух или одного звука (ср. и.-е. *esti* → лат. *est* → франц. *e* [-e(st)]).

Таким образом, в соответствии с двоякого рода фонетическими изменениями, Е.Д. Поливанов рассматривает два вида экономии: (1) чисто фонационная экономия [то, что позже стали называть «произносительным удобством»¹], осуществляющаяся в каждом акте речи и фонологически не существенная, и (2) «экономия психической деятельности»², которая может получать импульс из речевой практики, но которая связана также со статистической оценкой встречаемости данной фонемы или же комплекса фонем.

TALAFFUZ LUG'ATLARI YARATISHDA XALQARO FONETIK ALIFBO (IPA) DAN FOYDALANISH MUAMMOLARI

Babayev Maxmud Tashpulatovich

Buxoro davlat universiteti

"Nemis filologiyasi" kafedrası o'qituvchisi

Annotatsiya. *Ijtimoiy o'zaro ta'sir kuchaygan sari talaffuz lug'atlari tobora ko'proq talab qilinmoqda, bu esa muloqot jarayoni ishtirokchilaridan bir-birlarini samarali tushunishlarini talab qiladi. Talaffuz standarti muammosini ma'lum darajada barcha tillarning talaffuz lug'atlarida fonetik transkripsiyaning xalqaro tizimidan foydalanish orqali hal qilish mumkin. Tovushlarning artikulyatsiyasidagi farqlar diakritika yordamida ko'rsatiladi.*

Kalit so'zlar: *talaffuz lug'atlari, fonetik tizim, fonetik transkripsiya, artikulyatsiya.*

Аннотация: *Произносительные словари становятся всё более востребованными по мере возрастания социального взаимодействия, которое требует эффективности понимания друг друга участниками процесса коммуникации. Проблема произносительного стандарта может, в определенной степени, быть решена использованием международной системы фонетической транскрипции в произносительных словарях всех языков. Обозначения различий в артикуляции звуков осуществляются при помощи диакритических знаков.*

Ключевые слова: *произносительные словари, фонетическая система, фонетическая транскрипция, артикуляция.*

Abstract: *Pronunciation dictionaries are becoming more and more in demand as social interaction increases, which requires the participants in the communication process to effectively understand each other. The problem of the pronunciation standard can, to a certain extent, be solved by using the international system of phonetic transcription in pronunciation dictionaries of all languages. Differences in the articulation of sounds are indicated using diacritics.*

Key words: *pronunciation dictionaries, phonetic system, phonetic transcription, articulation.*

Texnologik taraqqiyot va transport vositalarining rivojlanishi, kompyuter tarmoqlari yordamida amalga oshiriladigan aloqa makonining kengayishi turli tillar va madaniyatlarda so'zlashuvchilar tomonidan amalga oshiriladigan kommunikativ harakatlar sonining ko'payishiga olib keladi. O'zaro tushunishga bo'lgan ehtiyoj ko'p jihatdan muloqot jarayonida to'siqlarni keltirib chiqaradigan va amaliy faoliyat samaradorligini pasaytiradigan ko'plab omillar ta'sirida murakkablashishi mumkin. Bunday omillarga suhbatdoshlarning geografik masofasi, ma'ruzachilarning individual xususiyatlari, "sozlash" deb ataladigan narsa - ona tilining o'ziga xos xususiyatlari bilan belgilanadigan artikulyatsiya xususiyatlari kiradi.

So'zlarni noto'g'ri talaffuz qilish natijasida yuzaga keladigan xatolarni talaffuz lug'atlari yordamida bartaraf etish mumkin. Talaffuz lug'atlari ko'plab funktsiyalarni bajaradi, ulardan eng muhimi - til hamjamiyatida standart sifatida qabul qilingan va qo'llaniladigan talaffuz namunasini

¹ Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. –М.: Наука, 1968. –С.119.

² Там же. –С.214.